ТУРКИСТОНДА ВИЛОЯТ ВА УЕЗД ИЖРОИЯ ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

(1917-1924 йиллар)

Ф. Содиқов

Мақолада 1917-1924 йилларда Туркистонда вилоят ва уезд ижроия қўмиталарининг ташкил топиши масаласи ўрганилган. Шунингдек, вилоят ва уезд советларининг ривожланиш босқичлари ва фаолияти ёритилган.

Калит сўзлар: *ТАССР, маҳаллий бошқарув органлари, вилоят ижроия қўмитаси, уезд ижроия қўмитаси, вилоят совети, уезд совети, съездлар, инқилобий қўмита, совет ҳокимияти.*

В статье изучается становление областных и уездных исполнительных комитетов в Туркестане в 1917-1924 годах. Также описывается развитие и деятельность областных и уездных советов.

Ключевые слова: ТАССР, местные органы управления, областной исполнительный комитет, уездный исполнительный комитет, областной совет, уездный совет, съезд, революционный комитет, советское правительство.

This article studies the formation of the regional and district executive committees in 1917-1924 in Turkestan. It also presents development and activities of the regional and district soviets.

Key words: *TASSR, local government bodies, regional executive committee, district executive committee, the soviet of the region, the soviet of a district, congress, revolutionary committee, soviet government.*

Россияда Февраль инқилобидан сўнг ҳокимият тепасига келган қўш ҳокимиятчилик даврида Туркистонда бошқарув тизимида советлар ташкил этила бошланди. 1917 йил октябрь давлат тўнтаришидан кейин, бутун ҳокимият уларнинг қўл остига ўтди. Ўша давр учун ҳокимиятнинг аҳоли қуйи қатлами бўлган ишчи, солдат ва деҳқонлар қўлига ўтиши ва советча бошқарув тизимига ўтилиши Туркистон халқари учун кескин бурилиш даври бўлди. Советлар бошқарув тизимига келгандан кейин, маҳаллий бошқарув органларида ўзгаришлар амалга оширилди.

1917 йил Туркистон ўлкаси маъмурий жиҳатдан 5 вилоят, 1 бўлим, 27 уезд, 606 волость ва 4658 қишлоқ жамоасига бўлинган [1.152]. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) 1917 йил 10 декабрда «Туркистон ўлкасида маҳаллий советларни ташкил этиш тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқди [5.49]. Ушбу ҳужжатда маҳаллий бошқарув органларини ташкил этиш асослари кўрсатиб ўтилган эди.

Уезд ва шаҳар советлари томонидан Туркистон Халқ Комисарлари Советига йўлланган маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, озиқ-овқат таъминоти, иқтисодий ва молиявий қийинчиликларга қарамасдан 1918 йилнинг май-июнь ойларида ТАССРда вилоят ва уезд марказларида маҳаллий советлар тўлиқ шакллантирилган эди [5.70].

1918 йил 10 июлдаги РСФСР Конституцияси қабул қилингач, Туркистонда маҳаллий ҳокимиятда бир неча ўзгаришлар амалга оширилди. Масалан, 1918 йил августда маҳаллий бошқарувдаги комиссарликлар ўрнига ижроия қўмиталари ташкил этилди. Туркистон ХКСнинг 1918 йил 9 сентябрдаги махсус топшириғи билан мусулмон советлари туман советлари деб номланди. Буйруқда «Совет Туркистонида советларни мусулмон ва русларга ажратиш мумкин эмас, шунинг учун ҳам мусулмон советлари туман советлари деб, уларнинг ижроия қўмиталари туман ижроия қўмиталари деб номланади» [5.74] деб ёзилган эди.

1918 йил 15 октябрда ТАССРнинг Конституцияси қабул қилингач, маҳаллий бошқарув органлари тизимида барқарорлик ва мунтазамлик касб эта бошлади. Конституцияга мувофиқ округ (вилоят) ҳудудларида советлар вилоят съездига, уезд ҳудудларида советлар уезд съездига тегишли эди.

Советларнинг вилоят ва уезд съезди ўз ҳудудида олий ҳокимиятни амалга оширарди. Советларнинг вилоят съезди шаҳар ва волость съездлари совети вакилларидан 10 минг кишига бир депутат ва вилоят бўйича 300 та депутатдан кўп бўлмаган ҳолда ташкил топган. Депутатларнинг уезд съезди шаҳар ва қишлоқ советлари вакилларидан 2 минг кишига бир депутат ва уезд бўйича 300 кишидан кўп бўлмаган ҳолда ташкил топган [3.71]. Уезд туманга ўхшаган маъмурий бирлик ҳисобланган ва кейинчалик «уезд» номи «туман» билан алмаштирилган.

Маҳаллий советларнинг съездлари ўзининг ижроия қўмиталарини сайлаган. Уезд ижроия қўмитаси аъзолари 20 кишидан ортиқ бўлмаслиги керак бўлган. Уезд съезди унинг ижроия қўмитаси томонидан уч ойда бир марта чақирилган [2.90]. Вилоят съезди эса бир йилда икки марта чақирилган. Ижроқўмлар съездлар ўртасидаги даврда мазкур ҳудудда олий орган ҳисобланган. Советлар съездлари ва уларнинг ижроия қўмиталари маҳаллий советлар фаолияти-

ни назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бундан ташқари уезд съездлари ва уларнинг ижроия қўмиталарига давлат ҳокимияти қуйи маҳаллий органларининг улар ҳудудида амал қилаётган қарорларини бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

Туркистон АССР маҳаллий советларининг ижроия-бошқарув органлари ўз ваколатига таалуқли масалаларни ҳал қилиш учун уездларда – раис, раис ўртоғи, котибдан иборат тартибда Раёсат тузганлар. Раёсат аъзолари одатда бўлимларнинг мудирлари бўлиб, улар ўзларига ишонилган бўлимларни бошқариш, йўналтириш, улар ишини ташкил этиш ва топширилган соҳа учун жавоб берганлар.

Туркистон АССР Советлари фавқулоддда VI съезди «Жойларда совет ҳокимиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорида ижроия қўмита бўлимлари бўйича ишларни тақсимлаш вазифалари ва тархи белгилаб берилган. Уезд ижроия қўмиталари 1) бошқарув; 2) ер-сув; 3) ҳарбий; 4) адлия; 5) ижтимоий-таъминот; 6) халқ маорифи; 7) меҳнат; 8) молия; 9) озиқ-овқат; 10) халқ хўжалик кенгаши; 11) йўл қурилиш; 12) давлат назорати; 13) соғлиқни сақлаш бўлимларидан ташкил топган [3.75].

Туркистонда 1920 йилга келиб уезд ва шаҳар ижроия қўмиталари ягона уезд-шаҳар инқилобий қўмиталарига бирлаштирилади [4]. Инқилобий қўмиталарга ўз ҳудудларида жуда катта ҳуқуқлар берилган. Буларга совет ҳукумати органларини назорат ва тафтиш қилиш, уларни ва ҳарбий тузилмаларни советларга қарши кучлардан тозалаш, маҳаллий советлар ва ижроия қўмиталарини тугатиш, советларга қарши инсонлар ёки бутун бир ташкилотларни қамоққа олиш, инқилобий трибунал ва ҳарбий судларга бериш каби ваколатлар кирган.

Туркистонда вилоят ва уезд советлари маҳаллий бошқарувнинг қуйи бўғини бўлган волость ва қишлоқ советлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаган эди. Улар волость ва қишлоқ советларининг ишини ташкил этишга доим ҳам кўмаклашмаган. Уларга тегишли бўлган юқоридан келадиган ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам қуйи бўғингача етиб бормас эди.

1920 йилда Туркистон АССР маъмурий жиҳатдан 6 вилоят, 32 уезд, 466 волость ва 3925 қишлоқ жамоасига бўлинган.

Туркистон АССРдаги вилоят ва уездлар:

1. Сирдарё вилоятида 7 та уезд бўлган: Қазали, Перовск, Черняев, Туркистон, Авлиёота, Тошкент, Мирзачўл.

2. Амударё вилояти 2 та уезддан ташкил топган: Шўрахон ва Чимбой.

3. Еттисув вилояти. 7 та уездан ташкил топган: Лепсин, Копал, Жаркент, Қоракўл, Норин, Пишпек, Верний.

4. Фарғона вилоятида 7 та уезд бўлган: Андижон, Ўш, Марғилон, Наманган, Қўқон, Хўжанд, Помир.

5. Самарқанд вилояти 4 та уезддан ташкил топган: Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах, Ўратепа.

6. Туркман вилоятида 4 та уезд бўлган: Марв, Тажан, Полторацк, Красноводск [1.165].

Туркистонда районлаштириш арафасида маҳаллий бошқарув органлари маъмурий тузилишида ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Масалан, 1924 йилга келиб Туркистон Иқтисодий Кенгаши Давлат режа комитети ҳузуридаги районлаштириш комиссияси Туркистон АССРда мавжуд 6 вилоят, 31 уезд ва 590 та волость ўрнига 12 та округ ва 150 та район волостлари тузган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, вилоят ва уезд советлари ҳамда уларнинг ижроия қўмиталари ўрганилаётган даврда Туркистонда маҳаллий бошқарув органлари тизимида муҳим роль ўйнаган. Чунки айнан улар томонидан жойлардаги маҳаллий бошқарувнинг қуйи органлари бошқарилган. 1917-1924 йилларда вилоят ва уезд советлари волость ва қишлоқ советларига қараганда анча барқарор фаолият олиб борган. Вилоят ва уезд советлари билан волость ва қишлоқ советлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилмаган эди. Марказдан келадиган қарорлар ва қонунлар маҳаллий ҳокимиятнинг қуйи бўғинигача етиб бормас эди. Ҳужжатларда маҳаллий бошқарувда советлар ва уларнинг съезди ўз ҳудудида олий ҳокимиятни амалга оширади дейилган бўлса-да, амалда бутун ҳокимият ижроия қўмиталари қўлида эди.

Адабиётлар:

1. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

2. Рудницкая Д. Из истории строительства советов в Туркестане. (1917-1920 гг.) – Т.: Наука, 1964.

3. Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари (1917-1937 йиллар): Юрид. фанлар доктори ... дис.- Т.,

4. ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 681-иш, 80-варақ.

5. Хакимов М. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – Т.: Наука, 1965.

ЎзР ФА Тарих институти,
2018 йил 27 июнда қабул қилинган,
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)